

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 16-noyabr, shanba
№ 88-89 (15727)

18-noyabr – O'zbekiston Respublikasining
Davlat bayrog'i qabul qilingan kun

ШОН-ШАРАФ ВА ФУРУР ТИМСОЛИ

Миллий давлатчилигимиз тарихининг барча даврларида байроқ Ватан тимсоли сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Хусусан, Амир Темур салтанатида давлат рамзларига алоҳида эътибор берилган. Соҳибқирон жанг майдонида бир лашкар омон қолса ҳам у Ватани байробини баланд тутсин, деб фармон берган. Чунки жанг жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият белгиси, деб қабул қилинган. Шайх Нажмиддин Кубронинг юрт озодлиги йўлидаги тенгиз жасорати барча авлодларга ибрат намунаси бўлиб келаётганинг боиси ҳам шунда.

Ватанимиз мустакилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябринда Президентимиз Ислом Каримов ташабуси билан «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда таъкидланганидек, миллий байроғимиз давлат суверенитетининг рамзларидан биридир.

Шундан бўён миллий байроғимиз халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат килмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида ҳилпираф турган юзлаб байроқлар орасида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳам борлиги қалбимида гурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Давлатимиз байроғи Президент девони, Олий Мажлис палаталари, Ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираф турибди.

Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша мамлакат кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари катнашетган халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафи, халқимизнинг гурур ва ифтихорини ёрқин акс эттирадиган омиллардан бири ҳам айнан байроғимиздир.

Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамёд қилаётган ўғлонлар байроқ олдида тиз чўкиб, уни кўзига суртади. Жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, голиблик нашидасини суради.


— Давлатимиз байроғи биз, спортчиларга нечоғли куч-кудрат, жасорат бахш этишини шу йил 20-27 октябрь кунлари Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўtkazilgan жаҳон чемпионатида совриндор бўлганимда яққол хис этдим, — дейди оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати бронза медали сохиби Улугбек Алимов. — Эришган ғалабам шарафига майдон узра Ўзбекистон байроғи кўтарилинида қалбим чексиз фахрга тўлди. Мустақиллик шарофати, Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор тифайли ўнлаб давлатлар вакиллари орасида меҳнатим муносиб рағбатлантарилиганидан, юртимиз номи тилга олинганидан бошим осмонга етди.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиии, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мухассам этган. «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг — мусаффо осмон ва тиниқ сув еру кўқдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида давлатимиз ошадиган довонларга йўл очади. Яшарис ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсdir. Қизил чизиклар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётий кудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини ёрқин акс эттиради. Унинг ёнида саф торган 12 ўлдуз эса беғуборлик, мұжкаммаллик, донишмандлик каби сифатлар ифодасидир.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА шархловчиси



7-бетга қаранг

«Kamolot» sadosi

Ватан келажаги — бизнинг қўлимида!

Гулистон шаҳридаги 9-мактабда «Ватан келажаги — ёшлар қўлида» шиори остида тадбир бўлиб ўтди. «Камолот» ЙИХ Сирдарё вилояти кенгаши ўтказган ушбу тадбирда Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, Ўзбекистон чемпионлари, «Янги авлод» танлови голиблари, «Камолот» ЙИХ фаоллари ҳамда ўқувчи-ёшлар қатнаши.

Ёшларнинг маънавий-маърифий оламини янада бойитиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирда вилоятнинг иқтидорли, изланувчан ва фаол ёшлари сўз олиб, юртимизда ёшларга берилётган эътибор, кўрсатилаётган фамхўрликларнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги, бундай имкониятлар, шарт-шароитлар камдан-кам мамлакатларда борлиги ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Хусусан, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, шахмат бўйича ўн тўрт картарга Ўзбекистон чемпиони, бир неча марта Осиё чемпиони, жаҳон ҳамда халқаро мусобақалар голиби Сарвиноз Курбонбоеванинг чиқиши ўқувчиларда ажойиб таассурот қолдирди. У ўз сўзида: «Ҳар бир ёш авлод ҳаракат қўлса, албатта, ўз мақсадига эришади. Айниқса, бизнинг мамлакатда ҳеч бир ютуқ эл-юрт назаридан

четда қолмайди», — дейа таъкидлади. Яна бир спортчи, таэквондо-ITF бўйича етти карра Ўзбекистон ва икки карра Осиё чемпиони Дилбар Холжигитова эришган ютуклари ва спортнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳақида тенгдошларига гапириб берди. Мактаб ўқувчилари спортчи опаларидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишиди.

Тадбир якунидаги Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Маҳзума Абдурасуловна ўзининг дилга яқин шеърлари билан ўқувчилар гўнглини шод этди. Очик мулоқот тарзидага ўтган учрашув кўй-кўшиларга уланиб, ёшлар байрамида айланди.

Элёр ЖЎРАЕВ,
«Turkiston» мухбири



«Kamolot» loyihalari

Ватан равнақига хизмат қиламиз

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманинаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида Ҳаракатнинг корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошлангич ташкилотлари етакчиларининг «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остидаги республика форуми бўлиб ўтмоқда.



Мазкур лойиҳа Ҳаракат томонидан илк маротаба ўтган йили амалга оширилганди. Бу йилги форумда республикамизнинг турли худудларидан келган 140 нафар етакчи қатнашмоқда. Улар орасида ҳарбийлар, хукуқ-тартибот органлари, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари, ийрик ишлаб чиқариш корхоналари, таълим-тарбия, спорт, молия муассасалари ва бошқа турли ташкилотларда фаолият юритаётган илгор ўшларни учратиш мумкин. Айтиш керакки, форум

лий машгулотлар ҳам ўрин олган. Ҳусусан, маҳорат дарсларида иштирокчилар нотиқлик санъати, ёшлар психологияси, деструктив маданиятлар ва ёшларни бу таҳдидлардан асрар, замонавий етакчи имижини яратиш ва лойиҳалар ишлаб чиқишининг замонавий усулларини ўрганишмоқда. Шу мақсадда форумга атайлаб малакали психологлар, социологлар, жамоат ташкилотларида иш тажрибасига эга мутахассислардан иборат тренерлар гурӯҳи таклиф этилди.

Амалий машгулотларда эса етакчилар ҳамкорликда бошлангич ташкилотнинг иш режасини яратишяпти. Бу тажриба биринчи форумда ҳам кўлланилиб, ўзини оқлаган эди. Амалий машгулотлар кичик гурӯҳларда олиб борилаётгани алоҳида эътиборга молик. Гурӯҳлар сиёсий-хукуқий, маънавий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ёки спорт ва саломатлик йўналишларининг бири бўйича лойиҳалар ишлаб чиқишилари ва кейин шу лойиҳалар тақдимотини ўтказишлиари керак. Бу ишда уларга Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши ходимлари яқиндан ёрдам беришяпти.

«Камолот» ЁИҲ корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошлангич ташкилотлари етакчиларининг республика форуми олти кун давом этади. Олдинда иштирокчиларни «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичи, «Бошлангич ташкилот: муаммо ва ечимлар» мавзуидаги давра сұхбати, қизиқарли учрашувлар, маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари, долзарб мавзудаги фильм намойиши, тақдимотлар ва фотосессия кутмокда.

Форум якунида барча етакчилар учун пойттахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳамда «Маърифат маркази»га саёҳат ўюнтирилади.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Илм-фан равнақи жамият ривожининг асосий шартларидан ҳисобланади. Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимининг барқарор руҳда янгича мезон ва талаблар билан бойитиб борилиши даврий эҳтиёж. 2013 йилнинг биринчи кунидан бошлаб мамлакатимиз илмий-тадқиқот тизимида олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг анъанавий икки босқичли тизимидан воз кечилиб, бир босқичли шакл танланди.

Фан докторлиги талабгорларига янги талаблар

Давлатимиз раҳбари 2012 йил 24 июль куни тасдиқлаган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони самарадорлик нуқтаи назаридан ўзини оқламаётган аспирантура ва докторантураси босқичлари ўрнида ягона докторантуранинг қарор топиши учун ҳукуқий асосга айланди. Натижада Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармон ижросига доир тегишил қарор ишлаб чиқди ва олий ўқув юртидан кейинги таълимга кўйиладиган талаблар, унинг Низоми ҳамда Олий аттестация комиссиясининг янги тузилмаси шакллантирилди.

— Янги тизим ўзини оқламоқда. «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослари рўйхати» янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, — дейди мавзу юзасидан ўтказилган матбуот анжуманида сўз олган Ўзбекистон Олий аттестация комиссияси (ОАК) раиси Файрат Баҳодиров. — Янги рўйхатга 286 ихтисослик киритилган. Шунингдек, фан доктори илмий даражасини берувчи 40 илмий кенгаш тузилди. 31 кенгаш олий таълим, 9 кенгаш эса илмий-тадқиқот муассасалари хузурида фаолият олиб боради. Ўзгаришлардан яна бири докторлик диссертацияси ҳимояси кунидан роппа-роса бир ой аввал матбуотда ҳимоя ҳақида эълон чоп этиш талабининг киритилгани ва бунинг учун зарур газеталар рўйхати тасдиқланганидир.

Фармонда кўзда тутилганидек, профессор, доцент ва катта илмий ходим унвонлари сақлаб қолинди. Эътиборлиси, фан доктори илмий даражасини олиш учун «бакалавр» ёки «магистр» даражаси билан олий маълумотга, 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, белгиланган талабларга мос келувчи илмий ютуқларга эришган шахслар ҳам докторлик диссертациясини ҳимоя қилишлари мумкин. Олий аттестация комиссияси томонидан шу каби ҳолатлар инобатга олиниб, бир қанча амалий чоралар кўрилаётгани анжуман давомида қайд этилди. Жумладан, аввалилари фан докторлигига талабгор шахс илмий кенгаш эътиборига 40 га яқин хужжат топшириши шарт эди. Энди бундай мажбурий қофозлар сони 14 тагача қисқартирилиб, асосий эътибор диссертация савияси, унинг илмий асосланганлиги ва долзарблигига қаратилади.

Айни пайтда 1085 катта илмий ходим, 12486 фан номзоди, 6073 доцент, 2365 фан доктори, 1617 профессор миллӣ таълим тизимимизнинг барча бўғинларида меҳнат қилмоқда. Бу рақамлар юртимизда олий малакали илмий кадрлар сафи кенгайиб, мамлакатимиз интеллектуал потенциали ошиб бораётганидан далолат. «Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори илмий даражасини бериш борасида олиб борилаётгани чора-тадбирлар: тажриба ва амалиёт» мавзуидаги матбуот анжумани мутасаддиларга эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш ва камчиликларни бартараф этиш йўлларини излаб тошиш имкониятини яратди.

Сироҳиддин СОТВОЛДИЕВ,
«Туркистан-пресс»



ШХТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

Тошкентда 15 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар транспорт вазирларининг олтинчи кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси, Қозогистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Кирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тоҷикистон Республикаси транспорт маҳкамалари раҳбарлари, шунингдек, ШХТ Бош котибининг ўринбосари А.Носиров иштирок этди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев раислигидаги ўтди.

ШХТга аъзо давлатлар ҳамкорлиги барча йўналишлар, шу жумладан, транспорт соҳасида ҳам самарали ривожланмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни юксалтириш ҳамда фаровонликка эришишда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тадбирда ШХТ доирасида транспорт соҳасида ги кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида фикр алмашиди.

Тадбир иштирокчилари ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг шу йил 13 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида транспортни ва минтақавий транспорт коридорларини ривожлантириш борасида эришилган келишувларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари (Бош вазирлари)нинг бўлиб ўтадиган мажлисида ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўтасида автомобилда ҳалқаро ташувлар учун қулай шароит яратишга оид битимни имзолашга тайёрлаш транспорт соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифаси экани ҳамда бу битим минтақада автомобиль қатновини ривожлантириш, ташкилотга аъзо давлатларнинг транспорт салоҳиятини, ўзаро савдо-сотиқ ҳамда инвестициялар ҳажмини оширишга хизмат килиши қайд этилди.

Кенгашда транспорт соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришни давом эттириш, транспорт инфратузилмасини, хусусан, темир йўл транспорти обьектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш, транзит ташишлар ҳажмини кўпайтириш, юкларни темир йўл транспортида ташишда тарифларни оптималлаштиришга доир сиёсат ҳамда юкларга бандаргоҳларда ва чегарадан ўтишда ишлов беришда комплекс ставкаларни мувофиқлаштириш учун имкон қадар қулай шарт-шароит яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш орқали ҳамкорликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш тўғрисида келишиб олинди.

Шунингдек, ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, чунончи, аэронавигация соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ҳалқаро аэропортларни ташкил қилиш ва бошқариш, истиқболда ШХТга аъзо давлатлар ўтасида янги ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали авиайўналишларни шакллантириш бўйича тажриба алмашиш, минтақада янги ҳалқаро интермодал логистика марказларини ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган марказлар имкониятларидан самарали фойдаланишга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА



ШАҲНОЗАНИНГ ФАЙРАТИ

Қаршилик миллий либослар дизайнери Шаҳноза Эрназарова «Ширина» тикувчилик цехига раҳбарлик қилиш билан бирга ўнлаб қызларга хунар ўргатмоқда.

СУРАТДА: Махбуба Шукрова ва Шаҳноза Эрназарова.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат



«Kamolot» ko'zgusi

Дона сурар болалар

Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Камолот» шахмат таҳтаси» республика мусобақасининг Навоий шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топишига ҳамда бўш вақтларидан унумли фойдаланишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган ушбу мусобақада тўқсон нафар ёш шахматчи қатнаши.

Улар мусобақа низомига кўра, 6-12, 13-16, 16-19 ёш тоифалари бўйича ўз истеъодд ва қобилиятларини синаб кўриши. Мусобақа сўнгидаги ҳамкорликни хуласасига кўра, тўққиз нафар иштирокчи турнирнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Жавохир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири

«20+» акцияси давом этади

Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни талаблари бажарилиши юзасидан Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта маҳсус, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигига шу йилнинг октябр-декабр ойларида Жиззах вилоятида «Ёшлар — чекишига қарши!» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Кашандалик буғунги кун муаммоларидан биридир. «Ёшлар — чекишига қарши!» лойиҳасидан кўзланган мақсад аҳоли, айниқса ёшлар ўтасида тамаки, алкоголь маҳсулотларининг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини чеклаш, соғлом турмуш тарзи асосларини қарор топтириш борасида олиб борилаётган саъй-харакатларни кўллаб-куватлашдан иборатдир.

Яқинда лойиҳа доирасида Зомин туманида «20+» акцияси ўтказилди. Унда қатнашган фаол ёшлардан иборат тарғиботчилар гуруҳи тамаки ва алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар ва бозорлар ҳудудида тарғибот ишларини олиб бордилар.

— Тарғиботимизни декабрдан кейин ҳам давом этирмокчимиз, — дейди «Камолот» ЁИХ фаоли Элёр Норпӯлатов. — Салбий иллатга қарши ҳамма бир ёқадан бош чиқарип, мунтазам кураш олиб борилса, мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Дилшод ЭРГАШЕВ,
«Камолот» ЁИХ Жиззах вилояти кенгashi
матбуот хизмати етакчи мутахассиси



КАМОЛОТ

Hududlardan mujdalar

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Күнгирот тиббиёт коллежида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтказилаётган ёшлар фестивали доирасида «Сиз севган қахрамонлар» ва «Замонамиз қахрамонлари» мавзууда ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

Тадбирда ёш олимлар, шоирлар, актёр ва эстрада хонандалари ўқувчиларга давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишлари кераклигини таъкидлаб, ўзларининг ижодий фаолиги таҳқиқатида хақида гапириб беришди. Шунингдек, ўзбек кино санъатидаги янгиликлар ва ҳозирги фильмларга ёшларнинг муносабатлари ва таклифлари ҳақида суҳбатлашди. 10-мусиқа мактабида эса меҳмонлар эътиборига «Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси» номли туман ёшларининг кўлга киритган ютуклари ва кўл меҳнатлари ёрдамида яратилган маҳсулотлар кўргазмаси, шунингдек күнгиротлик ёшлар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Андижон шаҳридаги 32-мактабда вилоятдаги барча академик лицей ва касбхунар коллеклари ўқувчи-қизлари ўтасида бадминтон бўйича «Камолот» кубоги мусобақаси ўтказилди.

Харакатнинг Андижон вилояти кенгаши ўтказган мазкур мусобақа қизларнинг спортга қизиқишини ошириш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, келажакда энг яхши спортчи қизларни нуфузли мусобақаларга тайёрлаш мақсадида ўтказилди. Мусобақа якунида голиб ва совриндорлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Навоий шаҳридаги тамаки ва алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон ва бозорларда «20+» акцияси доирасида тарғибот ишлари олиб борилди.

«Камолот» ЁИХнинг «Ёшлар — чекишига қарши!» лойиҳаси тренерлари ва кўнгилли ёшлар иштирокида ўтказилган ушбу акцияда жойларга «Ёшлар — чекишига қарши!» мавзуудаги информацион стикерлар жойлаштирилди. «Тенгдош — тенгдошга» ва «20+» йўналишларида маҳсус тайёрланган тренерлар вилоятнинг барча худудларида тарғибот ишларини олиб бораётпти.

Фаол ва изланувчан тарғиботчилар

Пойтахтимизда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ўтасида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринbosари Ф.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини, маънавиятини юксалтириш, онги ва дунёқарашини турли гаразли ахборотлар, миллий ҳаёт тарзи-

мизга ёт заарли таъсирлардан ишончли ҳимоялашга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлadi.

Халқaro майдонда гоявий, мағкуравий ва маънавий хуружлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг даҳлдорлик туйгуси ва ижтимоий масъулиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг олий таълим муассасалари ўтасидаги босқичида 500 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи, маънавий-маърифий со-

ҳада фаолият кўрсатадиган ходимлар иштирок этди. Улардан ўн уч нафари танловнинг якуний босқичида ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.

Танловда иштирокчиларнинг миллий foя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларга оид дастурларда белгиланган вазифалардан боҳабарлиги, мамлакатимиз ва жаҳонда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни ёшларга етказиша кўргазмали воситалар, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиши, тарғибот ишларидаги фаоллиги тегишли мезонлар асосида баҳоланди.

Тошкент давлат юридик университетининг «Давлат ҳуқуқи назарияси ва тарихи» кафедраси доценти Феруза Муҳиддинова биринчи ўринга лойиқ топилди.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

Терма жамоамизнинг муҳим фалабаси

Үзбекистон миллий терма жамоаси сафарда Вьетнам термасига қарши майдонга тушиб, 3:0 ҳисобида галабага эришди.

2015 йил Австралияда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш ўйинлари доирасида ўтган мазкур учрашувдаги фалабадан сўнг терма жамоамизнинг очкоси 7 тага етди ва қитъя чемпионатига чиқиш учун яхши имконият юзага келди.

Үйин терма жамоамизнинг устунлиги билан ўтди. Бирок дастлабки дақиқаларда гол уриш футbolchilarimizga насиб этмади. Фақат 40-дақиқага келиб, вьетнамлилар ҳимоячиси ва дарвозабони ўтасидаги тушунмовчиликдан (бу вазиятда ҳимоячи боши билан етказиб берган тўпни дарвозабон ушлаб ололмади) фойдаланган Воҳид Шодиев ҳисобни очди.


Колган голлар иккинчи таймда киритилди. Дастлаб, ўйиннинг 47-дақиқасида Игор

Сергеев ҳисобни 0:2 га етказган бўлса, иккинчи таймда Санжар Турсунов ўрнига майдонга тушган ёш ярим ҳимоячи Сардор Рашидов ўйиннинг асосий вақти якунланишига икки дақиқа қолганда терма жамоамизнинг учинчи голини урди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов кейинги икки учрашувда кўплаб ёш футbolchilararga имконият берадиганинг гувоҳи бўлдик. Хусусан, Сардор Рашидов, Воҳид Шодиев, Жамшид Исқандаров, Элдорбек Суюнов каби футbolchilar терма жамоа таркиbidаги дастлабки учрашувларини ўтказишиди. Бу, албатта, ижобий ҳолат.

Терма жамоамиз «Осиё кубоги — 2015» саралаш мусобақасида навбатдаги ўйинини 19 ноябрь куни Гонконгда майдон эгаларига қарши ўтказади.

**Элмурод НИШОНОВ,
«Turkiston» мухбири**



www.

Эзгулик — бош мезон бўлсин



Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат маркази»да «ОАВнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни» мавзууда тадбир бўлиб ўтди. Тадбир Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат маркази» ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилди. ОАВ томонидан бериладиган таҳлилий кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва мақолалар ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканлиги тадбирда алоҳида таъкидланди.

**Махсума ОҚҚЎЗИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси**

Nigoh

Талаба-ёшлар фестивали

Андижонда 17 ноябрь — Халқаро талабалар куни муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида талаба-ёшлар ҳафталик фестивали бўлиб ўтмоқда. Ушбу фестиваль олий таълим муассасалари талабалари ва ўрга-махсус, касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ташкил этилди.

Ҳафталик фестиваль Андижон вилоят ҳокими тасдиқлаган режа асосида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти кенгаши ташаббуси билан ўтказилмоқда. Андижон давлат тиббиёт институтида мазкур фестиваль доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллигига бағишил «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзууда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда олий таълим муассасаларида иқтидорли талабалар иштирок этди. Талаба-ёшларга мутахassislar «Конституциямиз» конун устуворлигини, унинг



барча фуқаролар учун тенглигини кафолатлади», «Инсоннинг энг устувор ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқи», «Биз танлаб олган тараққиёт йўли конституциявий асосга эга» мавзуларida ҳамда Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» юзасидан атрофлича тушунчалар беришди.

КУБОК «ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ»ДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вило-

яти кенгашида вилоятдаги олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Ҳоким кубоги» учун «Заковат» интеллектуал ўйини ташкил этилди.

Интеллектуал ўйинда Андижон давлат университетининг «A-Z» жамоаси, Андижон машинасозлик институтининг «Фемида», Андижон давлат тиббиёт институтининг «Авиценна» ҳамда Андижон қишлоқ ҳўжалиги институтининг «Истиқлол ёшлари» жамоалари ўзаро беллашди. Қизғин баҳс ва мунозаралар билан ўтган ўйин давомида ҳар бир жамоа аъзоларининг билим

савиаси анча юқори эканлиги маълум бўлди.

Билимлар «Жанги» якунидаги жамоаларга қўшимча саволлар берилиб, «Ҳоким кубоги» ғолиби аниқланди. Натижаларга кўра, 1-ўринни «Истиқлол ёшлари» жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўринни «Фемида» жамоаси эгаллаган бўлса, учинчи ўринга «Авиценна» жамоаси муносаб деб топилди.

Голиб жамоаларга Харакатнинг вилоят кенгаши томонидан диплом ва эсадалик совғалари топширилди.

**Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири**

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ

Hududlardan mujdalar

Фаргона шаҳридаги 10-мактабда «Ёшлар ўртасида ОИТС, гиёхвандлик каби иллатларнинг олдини олиш» лойиҳаси доирасида семинар-тренинг ташкил этилди.

Харакатнинг вилоят кенгаши ўтказган семинарда Фаргона шаҳридаги мактабларнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирок этди. Минисессия тарзида олиб борилган мазкур тадбирда ёшларнинг ОИТС, гиёхвандлик каби иллатлардан қайда даражада хабардор эканлигини аниқлаш максадида анкеталар тарқатилди. Сўнг лойиҳа тренери томонидан юқоридаги касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, юқиши йўллари ва улардан ҳимояланиш ҳамда олдини олишининг асосий усуслари ҳақида тушунча берилди. Тадбир сўнгидаги иштирокчиларга «Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз!» мавзуидаги буклетлар тарқатилди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Гулистон шаҳар дехқон бозори худудида «Ҳамкор» рейди ўтказилди.

Харакатнинг вилоят кенгаши, Гулистон шаҳар ИИБ, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамкорлигига ўтказилган рейд давомида ўндан ортиқ ўқувчи-ёшларнинг дарс қолдирганлиги аниқланди. Уларнинг олти нафари касб-хунар коллежи, тўрт нафари умумтаълим мактаб ўқувчиларири. Бу ўқувчиларнинг яқинлари ва ота-оналари билан тушунтириш ишлари олиб борилди ва фарзандларини ўқишига қайтариш тўғрисида тушунтириш хатлари олинди.

КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоят «Ёшлар маркази»да Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда адабиёт, фан, таълим, маданият, санъат йўналишлари бўйича туман ва шаҳарлардан келган олтмиш тўққиз нафар қиз қатнашди. Уларнинг илмий-ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганиб чиқиб, баҳоланди ҳамда энг яхши деб топилган бешта номзод танловнинг республика босқичига тавсия этилди.

САМАРКАНД ВИЛОЯТИ

Булунғур туманида «Бирлашиб биз — катта кучмиз!» шиори остида ёшлар форуми ўтказилди.

Харакатнинг Булунғур тумани ташкил этган форум доирасида бошланғич ташкилотлари етакчилари учун ўқув-семинарлар ташкил этилди. Унда ёшлар маънавиятини юксалтиришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни ва вазифалари ҳақида фикр алмашдилар.

Ибратлий Зиё маскани



Тошлоқ иқтисодиёт коллежидаги ахборот-ресурс маркази ёшларнинг севимли масканига айланган.

Марказ энг илгор ахборот технологиялари билан жиҳозланган, замон талаблари асосида хизмат кўрсатмоқда.

Зиё масканида бадиий, сиёсий, умумтаълим фанлари, турли соҳаларга оид минглаб адабиётлар мавжуд. Марказ раҳбари Қаноат Мамажонованинг таъкидлашича, коллеж ўқувчиларидан ташқари яқин атрофдаги қишилоқ ва маҳаллалардан келиб, марказ хизматидан фойдаланаётган китобхонлар кўп.

Мутал Қодиров суратлавҳаси

«Мен яшашим керак...»

Эссе

Оилада ўғил туғилганида, ота — Чори Ҳусановнинг ҳам, она — Рўзихол Ҳайитованинг ҳам боши кўкка етди. Ўшанда уларнинг биргина қизлари бор эди. Ахир, фарзандлари икки нафар бўлди. Бунинг устига, ўғил оиланинг сұянчиғи, насл-насад давомчиси. Ҳусановлар оиласи шодлигига Чорининг амакиси, эгизнинг бири Ҳасан бобо ҳам шерик бўлди: «Ўғил — йигитнинг қаноти, — деди бобо. — Унга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган укам Фуломқодирнинг исмини қўйсак. Уйланмай, ўн гулидан бир гули очилмай кетган Фуломжоннинг номи ўчмасин».

Гўдакка Фуломжон деб исм қўйишди. У 1980 йилнинг 12 апрелида, ха, ўша инсоният фазога парвоз қилган кун туғилгани учун ҳазиллашиб, баъзан уни Гагарин ҳам дейишарди. Аммо урушда ҳалок бўлган Фуломқодирнинг ва парвозидан кўп ўтмай, фожиали ҳалок бўлган Гагариннинг тақдиди ёш Фуломжоннинг пешонасига ёзилганини ким ҳам билиди, дейсиз.

Фуломжон Ҳусанов Термиздаги 13-мактабда ўқиди. Уни аъло баҳоларда тугатиб, коллежда бино ва иншоотларни куриш ҳамда улардан фойдаланиш мутахассислиги бўйича таҳсил олди. Битириш арафасида муддатли ҳарбий хизматта чакрилди.

Фуломжон Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида намунали хизмат қилди. Жисмоний, маънавий етуклиги ва фидойилиги билан хизматдошларига ўрнак бўлди.

Муддатли ҳарбий хизматни тамомлаган йигит 2000 йилнинг март ойидан шартнома бўйича ҳарбий хизматга чақирилиб, Термиз шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида бўлум командирининг ўринбосари бўлиб фаолият кўрсата бошлади.

Июль ойида Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларида бир гурух терорчилар фаламислик билан юртимизга суқилиб кирмоқ ниятида ҳаракат бошлаб юборганда, Фуломжонларнинг ҳарбий қисми биринчи бўлиб ёл-юрт осойишталигини бузганларга қарши курашга отланди.

Чори ака ўша кунни яхши эслайди. Бир ўлчам торроқ ботинка кийганингдан Фуломжоннинг товони шилиниб-қавариб чиқсан эди. Ўғли ёёғига кичкина тикан киришини ҳам оғриқ билан қабул қиладиган ота фарзандига ачинди:

— Фуломжон, бир ўлчам каттароқ ботинка олсанг бўлмай-

дими, бундай тор пойабзал билан тоф-тошда қандай юрасан? — деди. Ўғли, кейинроқ шундай қиламан, деган маънода бош силкиб қўйди.

Она ва ўғил ичкарида анча гурунглашиб ўтиришди. Фуломжон севган қизи борлинини, у каттароқ лавозимда ишлайдиган бир кишининг фарзанди эканини айтди.

— Улар катта даргоҳдан сув ичган бўлса, бизларни мен-сирмикан, болам? — деди онаизор.

— Қиз мени яхши кўрибди, ўзига тенг кўргани шу-да, — деди Фуломжон.

— Ҳа, майли, юртни тинчтиб, соғ-омон қайтинглар, ҳадемай, сенинг ҳам бошингни иккита қилиб қўямиз. Мен тараддуд қўриб қўйғанман, — деди Рўзихол опа келинининг сепларини кўрсатар экан. — Фақат, болам, ўзингга эҳтиёт бўл. Ёлғиз ўғлимизсан, сендан бошқа сұянчигимиз йўқ. Сенга бир нима бўлса, мен нима киламан. Бутун орзу-умидларим, эртанги куним сен билан боғланган. Сенсиз мен ҳам, отанг ҳам тирик мурдамиз.

— Онажон, чўчиманг, мен сиз учун, отам учун яшайман. Ўлмаслигим керак, — волидасини юпатди ўғил.

Эртасига Фуломжон жўнаб кетди. Узун ва Сариосиёда давлат чегараларини бузмоқчи бўлганларни бартараф этиш ҳаракатлари қизиб кетди. Ҳар куни хабарлар келиб турарди: бу гап-сўзлар Рўзихол опанинг ҳам, Чори аканинг ҳам қалбига титроқ, ташвиш соларди. Ота-онанинг тилларидан дуо тушмас, «Э, Яратган этам, ёлғиз ўғлимизни ўз панохингда сақла!», деб эртао кеч тилак билдиришарди. Ра-дио ва телевизорга кулоқ тутишар, террорчиларга қарши кураш ҳақидаги хабарларни қолдирмай эшитишарди.

Бир куни Чори ака қараса, дарвоза олдида икки қиз қимтинибигина туриби. Улардан бири Фуломжон яхши кўрган қиз эканини дарҳол оталик

сиялар олиб борилмоқда.

Лойиҳа дастурига мувофиқ умумтълим мактабларидаги сардорлар кенгаши аъзолари учун «Камолот» ва «Камалак»нинг мақсад-вазифалари» мавзуида беш кунлик ўкув-семинар ҳамда «Таълим-тарбиянинг ўшлар мъяваниятидаги ўрни» мавзуида мини-сес-

машқ қилганларнингина кўрсатишиади, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Фуломжон.

Тунда ўғли йўлга отланар экан, юраги нотинч она уни анча жойгача кузатиб борди.

Ўзим кўярда-қўймай, уни қайтарди:

— Она, бораверинг, қайтинг энди, нима, мен ёш боламанми?

Ўзимга эҳтиёт бўламан, дедим-ку.

Безовта она юраги бўшаб, ҳувиллаб қолгандай бўлди.

Ноилож, ортига қайти.

машқ қилганларнингина кўрса-тишиади, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

— Она, очиги, биз кўпинча тоғли, қийин йўлакларда юрамиз. Мухбирларга ундаи жойларга бориш қийин. Мана, эртага ҳам кундузи дам олиб, кечкурун ишга киришамиз, — деди Рўзихол опа.

Бир куни иккимиз ўқишидан қайтаётib, йўлда башанг киининган, ўзларига жуда бино қўйган иккита аёлни учратдик. Ўшандада улар бизни тўхтатиб, роса гапга солишиди, билмадим нимага, зимидан кузатишиди. У ёқ, бу ёқдан сўрашди. Охири, тадбирга кечикаяпмиз, деган баҳонада зўрга улардан кутулдик. Шу билан орадан уч кун ўтди.

Дарсда ўтиргандик. Деканатдан котиба қиз келди. У тез-тез талабалар ҳаётига «бурун сукуб», фақат қизларни чакириб кетар эди.

— Узр, дом-мил-ла, — деди у эркаланиб, — фалончиевани деканатга қақиришадиганди. Майлими? Ну, сроочно!

Домла маъноли жилмайди. Йигитлар кулишиди. Қизлар шивир-шивир қилишиди.

Ноила нималар бўлаётганини тушунолмай, котибага эргашди.

— Ўртоқ, айтсан ишонмайсан, — деди катта танаффусда дугонам шоша-пиша, — факультетга анави кунги аёлларнинг арзанда ўғли келиби.

— Жинни бўлдингми, нималар деяпсан? Ахир, улар... — Тўғриси, кулогимга ишонолмадим. Ҳақиқатдан ҳам, қанақасига улар...

— Шунақа, — деди у, — деканатдан расмимни олишибди.

— Ва бир учрашиб кўргин, деба куёвтўрага бериби.

Эртасига Ноила, не кўз билан кўрмай, ўша куёвтўранинг машинасида уйига кетди. Икки ойга қолмай, тўйи ҳам ўтди.

**Рисолат ИБРАГИМОВА,
талаба**

Талабадан талабага табрик хати

Бир талаба ўртоғига SMS-хат ёзяпти:

— Салом, ўртоқ.
Ўқишилар қалай? Соғлиғинг жойидами?

Кўринмайсан? Талабалар оламида не гаплар? Баҳо олиш, домлаларнинг қўнглини овлашдек мураккаб вазиятда югар-югурулардан чарчамаяпсанми?

Энди ўзимга келсам, менда ҳаммаси яхши. Ўқишидаман. Айни пайтда эса дўстларим билан «Талабалар куни»га тайёрланяпман. Ҳа, айтганча, байрамлар билан! Байрамни яхши ўтказ..

SMS эгасига кетди, аммо зум ўтмай, телефон экранидага «не доступен» ёзуви пайдо бўлди. Чунки талаба ҳисобида атиги бир центгина бор эди. Талаба SMS-хатни қисқартириди ва ундаги куйидаги жумла-ларнинга қолдириди: «Салом, ўртоқ. Ҳа, айтганча, байрамлар билан!»

Бироздан сунг талабага талаба дўстидан жавоб хати келди. Унда шундай ёзилганди: «Р-мат, ўз-га ҳам...» У, бизнингча, «Рахмат, ўзингга ҳам байрам муборак бўлсин», деб ёзмоқчи бўлгандир-у...

КУМАР

**Талаба кундалигини
ўзининг руҳсати билан
Кумар БЕГНИЯЗОВА
варақлади**



Вактимиз бўлса эди...



С... домламиз нуқул, столини муштлаб, бизга ўшқиради:
— Нега дарсимга яхши тайёрланмайсанлар, ё сенларга ўқиши ўйинчоқми? Ҳамманга қийшиш икки! Э-э, садқаи одам кетларинг...

Шундай пайтда анча хижолат тортамиз, домлага «бундан бўёғига ўқиймиз, сизни ҳечам уялтирумаймиз», деба коп-коп ваъда берамиз. Тўғриси, ўшандада, чиндан ҳам тинмай ўқигимиз, фанларни аълого ўзлаштиргимиз келиб кетади. Аммо дарсдан чиқац, берган сўзимизни ел учирив кетадими-ей, ё хаёлимизни бошқа нарсалар эгаллаб оладими-ей! Ҳуллас, бошқа ишларга ўралашиб, дарс қилишга вақт тополмай қолаверамиз. В..., Н..., Л... домлаларимиз эса доим «талабада вақт бемалол» дейди, талабанинг ҳам ўзига яраша юмушлари, ташвишлари борлигини умуман тушунишмайди.

Мана, масалан, бир йилда 365 кун бор. Ҳисоб-китобимга қараганда, шундан нақ әллик икки куни якшанбага тўғри кетади. Шунда бизда ўқиш, билим олишга 313 кун қолади.

Ўша 313 қуннинг саксон беш куни эса ёзги таътилга кетади. Ундан буни айирсак, ихтиёrimизда 228 қунимиз қолади. Шу ўринда кунлик саккиз соатлик ўйкуни бир йилга ҳисоблаймиз. Бисотимизда бор экан. 106 кун бор.

Кўраяпсизми? Айтганча, бошқа талабаларни билмадим-у, менда шундай, ҳар куни ўқишидан чарчаб келиб, камида бир соат дам оладиган одатим бор. Калкуляторни олинг-у ҳисобланг. Ҳа, майли, буниям ўзим ҳисоблайман, мана, бу — йилига ўн беш кун дегани. Шундай тўқсон бир қунимиз ўқишига колади. Айтаверсак, гап кўп. Овқатанинг яна икки соат вақтимизни ажратсак, бу — йилнинг ўттиз куни тамаддига кетишини англатади. Демак, дарс қилиш учун бор-йўғи олтиши бир қунимиз қолди. (Вой, бечорагина талабалар-ей!) Бироқ бу нафақат талабага, балки ҳаммамизга хос хусусият, қунига бир соат гаплашиши ҳам унтумаслик керак (инсоф қилдим, гаплашишга камарок вақт ажратдим, аслида, телефон сухбатларнинг ўзига қанча вақтимиз зое... кечиралисиз, қанча вақтимизни телефон сухбатлари олади). Шунда йилига ўн беш кунни шунга сарфлаган бўламиз. Шу ўринда байрам, базм, кутилмаган курсандчилик ҳамда бошқа

ҳолатларни назардан қочириб бўлмайди. Бунга бир йилдан тўрт қунимизни беришимиз табиий. Бундан кейин қолган олти қунимизда бемалол дарс тайёрласак бўлар экан... Иб-би, эсим курсин, иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, дейишади-ку, унга бир йилда уч қунимизни ажратади. Айтганча, интернетда ўтириш, кинога тушишга эса хеч бўлмаса икки қунни ажратмасак бўлмас, талабалигимиз талабаликдек ўтмас...

Иб-би, эсим курсин, иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, дейишади-ку, унга бир йилда уч қунимизни ажратади. Айтганча, интернетда ўтириш, кинога тушишга эса хеч бўлмаса икки қунни ажратмасак бўлмас, талабалигимиз талабаликдек ўтмас...

Кўраб турсам, биз талабаларнинг ҳам шунга ўхшаш юргурумиз кўп экан. Домлалар шуни тушунишмайди-да...

Шундай қилиб, фақат бир қунимиз қолар экан ўқишига. Шу бир кунда эса ўқийдиган талаба ўқийди, эрталабдан-кечгача ҳаммасига «устеп» қилса бўлади.

Вой, түғилган қунимиз... Йўқ, йўқ, бунақаси кетмайди. Шундай кутлуғ кунда талабага дарс қилишга бало борми?

Ҳай, майли, домлаларимиз бир кун келиб, бизнинг вақтимиз зиклигини англаб етар, ҳадеб, «талабада вақт кўп» деба тўтидек тақрорлашдан чарчашар.

Қани энди, вақтимиз зое... кечиралисиз, қанча вақтимизни телефон сухбатлари олади). Шунда йилига ўн беш кунни шунга сарфлаган бўламиз. Шу ўринда байрам, базм, кутилмаган курсандчилик ҳамда бошқа

Ma'rifat

Китобга ошно туминса

Болаларнинг қалби бегубор бўла-ди, табиатан қизиқувчанлик ҳам айнан уларга хосдир. Мен ўқитувчи сифатида улардаги бегуборликдан завқланаман. Ҳар бир ўқувчим — бир олам. Ҳеч эътибор берганмисиз, болалар аразлаган вақтда уларнинг юз қиёфаси ҳечам хунуклашмайди, чунки уларнинг аразлари бегидир-да.

Турли хил руҳиятдаги болалар билан ишлайман, мулоқот қиласман. Болаларнинг қизиқувчанигидан оқилона фойдаланиб, уларни яхши ишларга йўналтирса бўлади. Бундай эзгу ишлардан бири уларни китоб ўқишига қизиқтиришдир. Китоб инсонни яхши йўлга бошлайди, билимли қиласди. Унга ошно тутинган бола ҳеч қачон ёмон йўлга кирмайди. Кўп ўқиган, изланган болага омад кулиб боқади, ғалаба-муваффақиятнинг ўзи унинг орқасидан келаверади. Бу фикрларни болаларга кўп таъкидлайман.



Ўқувчиларим орасида китоб ўқийдиганлари кўп. «Устоз, яхши китобларингиз кўп экан-ку. Берib туринг, ўқиб, яна ўз ҳолидай қайтараман», дей мени мактабда ҳам, уйда ҳам «безовта» қилишади. Бундан қувонаман. Баъзида, ҳозирги ёшлар китоб ўқишмаяпти, дейишса, менга сал таъсир қиласди. Чунки кўз олдимда, атрофимда китобсевар болаларни кўп кўраман-да. Айниқса, иншо ёзишга, шеъриятга қизиқадиган ўқувчиларим талайгина. Бугун улар турли танловларда иштирок этиб, бир мунча ютукларга эришяпти. Улар билан ишлаб чарчамайман, зерикмайман. Ўқувчиларимнинг ютуғи эса мени янада кўпроқ ишлашга ундаиди.

Масалан, яқинда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Жаҳолатга қарши маърифат» деб номланган кўрик-танловнинг туман босқичида 9-синф ўқитувчиси Райхона Толибова иншо, 8-синф ўқитувчиси Юлдуз Иzzатова эса шеърият йўналиши бўйича қатнашиб, фахрли ўринларни кўлга киритишиди. Бундай ютуклар уларга кўтаринкилик багишлаб, тиришқоқликка чорлаши шубҳасиз.

Дилдора ШАМСИДДИНОВА,
Навоий вилояти Кармана туманидаги
28-мактабнинг она тили ва адабиёт
ўқитувчиси

Китобнинг ҳар саҳифаси нур,
Зиё олар ундан тафаккур.
(«Китоблар гулдастаси» китобидан)




Қувасойда шундай мактаб бор

Фаргона вилояти Қувасой шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортсевар ёшлар талпинадиган кўркам масканлардан бири.

Замонавий шароитларга эга, зарур инвентарлар билан таъминланган мазкур мактаб ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиб, жисмонан бақувват ва ҳар томонлама баркамол бўлиб улгайишига хизмат қиласмишади. Айни пайтда бу ерда 512 нафар ўқувчи футбол, бокс, таэквондо, волейбол, кўл тўпи, белбоғли кураш, муайтай ва бадиий гимнастика билан мунтазам шуғуланаётир. Ёш спортчиларнинг икки юз нафарини қизлар ташкил этади. Машғулотларни йигирмага яқин тажрибали мураббий юкори савияда олиб бормоқда.

Суратларда: Қувасой шаҳар Арсиф қишлоғида жойлашган 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадиий гимнастика спорт мураббийи Феруза Раҳматуллаева шогирдлари билан машғулот пайтида.

Мутал ҚОДИРОВ фотолавҳаси



ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

1. Халқаро муносабатлар кафедраси профессори;
2. Халқаро муносабатлар кафедраси доценти (2 та ўрин);
3. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси профессори;
4. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти (2 та ўрин);
5. Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси (2 та ўрин);
6. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабат-
- лар кафедраси доценти;
7. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси катта ўқитувчиси;
8. Халқаро савдо ва инвестициялар кафедраси катта ўқитувчиси;
9. Халқаро савдо ва инвестициялар кафедраси ўқитувчиси (2 та ўрин);
10. Иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири;
11. Иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти;
12. Математик моделлаштириш ва информатика кафедраси доценти;
13. Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири;
14. Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси;
15. ЮНЕСКОнинг Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси доценти;
16. ЮНЕСКОнинг Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси ўқитувчиси (2 та ўрин);
17. Амалий дипломатия кафедраси мудири;
18. Амалий дипломатия кафедраси доценти;
19. Амалий дипломатия кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларига танлов эълон қиласди.



Хужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржима ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақида дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мuddат ичада

Тошкент шаҳри, Мустақиллик — 54 манзилида қабул қилинади.
Телефон: 267-65-40.

E'lon

Озодалик — ҳам кўрк, ҳам соғлиқ

Гулистон шаҳрида «Атроф-муҳит тоза — сен ҳам соғлом» акцияси ўтказилди

Ҳар бир фаслининг ўз таровати бор. Гўзал табиатимизни кузнинг бебаҳо неъматлари, салқин иқлими, тилларанг япроқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ бу фаслининг биз, инсонлар зиммасига юклайдиган масъулияти ҳам бор. Боғлар ва дараҳтзорлардаги ерга тўкилган баргларни ўз вақтида йигиштириб олиш билан биз атроф-муҳит соғлигига ҳисса кўшган бўламиз. Қувонарлиси, бундай хайрли ишларга тенгдошларимиз ҳам бош қўшмоқдалар.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгаши, вилоят «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан Гулистон шаҳрида «Камолот» ёшлар боғи»да «Атроф-муҳит тоза — сен ҳам соғлом» акцияси доирасида ўтказилган ёшлар ҳашари ана

шундай хайрли ишлардан бўлди. Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаол ёшлари ҳамда шаҳардаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари, «Камалак» болалар ташкилоти вилоят сардорлар кенгаши аъзоларидан иборат икки юз нафар тенг-

дошимиз қатнашди. Улар кун давомида шаҳар марказидаги кўча ва хиёбонлардаги ҳазонларни олиб ташлашди, дараҳтларни оқлашди, ариқ ва зовурларни чиқиндилардан тозалашди.

Ҳашарчилар икки тоннадан зиёд чиқиндини йигиштириб, белгиланган маҳсус жойга олиб чиқиб ташлашди. Уларга шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ўз маҳсус техника билан яқиндан ёрдам берганини алоҳида таъкидлаш керак.

Тадбир якунида фаол иштирок этган бир гурӯҳ ёшларга «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ва вилоят «Камалак» болалар ташкилотининг эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлари топширилди. Ўша кунги



хайрли тадбир хайрли якун топди. Лекин тенгдошларимизнинг табиатга меҳри, юртимиз чиройига чирой қўшиш, экология соғлиги йўлидаги ишлари бардавомдир.

Элёр ЖЎРАЕВ



Hayvonot olami

Ёш болаларнинг бири: «Мен шерман!» деса, ундан бўш келмаган шериги: «Сен шер бўлсанг, мен йўлбарсман!» деган мунозараларига тез-тез гувоҳ бўламиз. Очигини айтганда, болаликда кўпчилигимиз «шер» ёки «йўлбарс» бўлиб кўрганмиз.

Лекин ҳеч қизиқиб кўрганмисиз, бу жониворларнинг қайси бири ҳақиқатан кучли? Ўйлашимизча, бу савол каттао кичикни бирдек қизиқтиради.

Эртакларда шерни ҳайвонлар шоҳи деб ўқиганмиз. Чиндан ҳам арслон куруқлиқдаги энг кучли ҳайвон ҳисобланади. 250-300 килограмм оғирлиқдаги шер саванналардаги яшайди. Унинг панжаси билан берган зарбига унчамунча жонивор бардош беролмайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, шернинг энг катта душмани нил тимсоҳи бўлиб, агар жанг сувда кечса, тимсоҳнинг, куруқлиқда бўлса, шернинг қўли баланд келади. Бошқа жониворларнинг шерга бас келиши жуда қийин. Бизнинг наздимизда, шерга қарши тура оладиган ҳайвон йўлбарсdir. Лекин бу бизнинг тахминимиз, холос. Аслида ҳам шундаймикан?

Мушуксимонлар оиласига мансуб йўлбарс ҳайвонлар ичида энг чақон ва абжир ҳисобланади. Вазни шернидан оғир, одатда 300-350 килограммгача бўлади. Якка ўзи ов қилади. Шериларидан ёрдам кутмайди. Арслондан кўра жаҳли тез. Йўлбарсларнинг орасида энг каттаси бенгал йўлбарси бўлиб, бўйининг узунлиги уч метрдан ошади. Унинг ўкиришини уч километрдан бемалол эшитиш мумкин. Маълумотларда юрагидан яраланган йўлбарснинг овчини йигирма метр қувлаб, уни ҳалок қилгани айтилади. Бу Ҳиндистонда юз берган.

Арслон ва йўлбарс бўйсунмас ҳайвонлар ҳисобланади. Ҳар иккиси ҳам маълум худудга эгалик қилади. Шернинг тезлиги соатига олтмиш

километр бўлса, йўлбарс соатига саксон километргача тезлиқда югурга олади.

Одамзот қизиқ-да, ўзи қанча-қанча жанг жадалларни бошидан ўтказган, лекин у ҳайвонларнинг ҳам жанг қилишини яхши кўради. Қадимда Европада бу икки жониворни ўзаро жангга чиқариб, томоша қилиш урф бўлган. Йўлбарс шернинг олдида асабийлашиб, ўзини кўйишга жой топа олмай қолади. Арслон эса, аксинча, рақибидан кўз узмай, хотиржамлик билан жангга киради. Арслоннинг юрагида кўркув хисси бўлмайди. Римнинг Колизей мажмусида ўтказилган Осиё арслони ва Африка йўлбарси ўртасидаги жангда йўлбарснинг қўли баланд келган эди. Жангда шер кўп жароҳат олади. Охириги жангда эса, арслон ўз кучини кўрсатган эди. Ўшанда ҳайвонот боғларининг бирида арслон йўлбарсни бир уриб, йикитган эди. Маълумотларга қараганда, битта шер бир нечта йўлбарсни ёнгган пайт ҳам бўлган. Мутахассислар фикрига кўра эса, арслон кучли. Оч вақтида филга ҳам хужум қилгани кузатилган.

Шер яқинларини хафа қилганларни аямайди. Куч борасида унга тенг келадиганлар топилса-да, ақлли жониворлиги сабаб, ҳайвонлар шоҳи мақоми ҳамон унда қолган.

Жавохир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбiri

Сув — тириклик асоси

Bebaho ne'mat

Бир донишмандга: «Агар овқатсиз қолсангиз-у, очликдан мушкул ҳолатга келиб қолганингизда, кимдир сизни бу кулфатдан халос этса, унга қандай марҳамат кўрсатган бўлардингиз?» — деб савол беришди. У эса: «Ярим давлатимни берардим», деб жавоб қайтарди. «Худди шундай ҳолатда кимдир сизни ташнилардан халос этсанчи?» — дея яна савол бердилар. Аллома бу саволга: «Бутун давлатимни берардим», — деди.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, инсон ўн беш кундан ортиқ очликка чидаши мумкин, лекин сувсиз беш кундан кўп яшай олмас экан. Чунки сувсизлиқдан инсон томирларидаги қон куюқлашиб, томирлардан оқмай қолади, бу эса тирик организмнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Она сайёрамиз сиртининг учдан икки қисмини эгаллаган океан ва денгизлар ер иқлим шароитини доимий мўътадиллаштириб тургани ҳолда, қор, ёмғир, шамол ва бошқа табиий жараёнларнинг содир бўлишига, минг ийллар давомида юзага келган тирик организмларнинг яшаши учун зарур бўлган экологик мувозанатнинг барқарорлигига сабаб бўлади. Содир бўладиган ҳар қандай табиий жараёнлар ва ҳодисаларнинг табиатда ўз ўрни бўлиб, у ёки бу ҳодисалар ортиқча ҳам эмас, кам ҳам эмас, балки бу жараёнлар табиат қонунлари асосида содир бўлади.

Олимларнинг ҳаёт дастлаб сув муҳитида пайдо бўлган, деган тахминлари бор. Тирик организмларнинг ҳаёт кечириши учун сувнинг аҳамияти бебаҳо. Шунинг учун ҳам биз сувни ҳаёт манбаи деймиз. Сув бутун тирик организмларнинг яратувчисидир. Сув тирик организмлар учун асосий ҳаёт муҳити ҳисобланиб, инсон организменинг олтмиш-етмиш беш фоизи, ўсимликлар таркибининг эллик-тўқсон тўқзис фоизи сувдан иборат. Сув табиатда кечадиган барча кимёвий, физик ва биокимёвий жараёнларда иштирок этади. Демак, сувсиз ҳаёт йўқ.

Тирик оламнинг сувдан пайдо бўлганлигини ўрганувчи фан XX асрнинг ўттизинчи ийларидан бошлаб шаклланиб, олимларнинг хуласасига кўра, тирик организмлар, аввало, сувдан пайдо бўлиб, аста-секинлик билан бошқа муҳитларга, яъни тупроқга, хавога, ерга мослашиб борган, шу асосда, ер устида ўсуви ўсимликлар ва ҳайвонлар пайдо бўлган. Қолган асосий қисми эса ҳали-ҳануз абалдий сувда яшашда давом этмоқда. Илмий фаразларга кўра, бундан 3-4 миллиард ийллар муқаддам ҳаёт сувда пайдо бўлган.

Сув инсон танасидаги барча биокимёвий жараёнларда иштирок этади, яъни моддалар алмашинуви жараёнида, моддалар синтезида, овқат ҳазм қилишда ва бошқаларда унинг хизмати бекиёсдир.

Сувнинг табиат ва инсон ҳаётида тутган ўрни бениҳоя катта. Шунинг учун унинг ҳаётимиздаги қадр-қимматини унту маслигимиз лозим.

Феруза АВАЗОВА,
Термиз тумани курилиш ва уй-жой коммунал ҳўжа-
лиги касб-хунар коллежи ўкувчиси

Хавфсизликка риоя қилиш – хар биримизнинг вазифамиз

Ёнгиндан сақлаш хизмати давлат, идора-
вий ва кўнгилли ёнгиндан сақлаш хиз-
матларига бўлинади. Давлат ёнгиндан
сақлаш хизмати ёнгиндан сақлаш хизма-
тинг асосий турдидир ва у давлат ёнгин
хавфсизлиги хизмати томонидан амалга
оширилади.

Ёнгиндан сақлаш хиз-
матининг асосий вазифа-
лари ёнгинлар профилак-
тиказини ўтказиш ва
ёнгин хавфсизлиги талаб-
ларига риоя қилиниши
устидан назоратни амал-
га оширади. Бундан таш-
қари, ёнгинарни ўчириш,
ёнгин зонасида қолган
одамларни ҳамда юридик
ва жисмоний шахсларнинг
мол-мулкими кутқариш
ҳам ушбу соҳа хизматчи-
ларининг вазифаларидир.
Идоравий ёнгин назо-

рати ваколатли мансаб-
дор шахслар томонидан
идораларга қарашли таш-
килотларнинг ёнгин хавф-
сизлигини таъминлашга
қаратилган назоратдир.
Бунда ваколатли шахслар
хавф пайдо бўлганда иш-
лаб чиқариш участкалари-
нинг, агрегатнинг ишини,
бинодан, иншоотдан, хо-
надан фойдаланиш, ай-
рим турдаги ишларни ба-
жаришни тўлиқ ёки қис-
ман тўхтатиб қўйиш
хукуқига эгадир.

Объектлар ва аҳоли
пунктлари ёнгин хавфсиз-
лигининг аҳволи, юз бер-
ган ёнгинар, назорат фа-
олиятининг натижалари
тўғрисида белгиланган
тартибда жамоатчиликни
хабардор қилиш давлат
ёнгин хавфсизлиги назо-
ратининг мажбуриятлари-
дан биридир.

Ёнгинарнинг олдини
олиш ва ўчириш ишлари-
ни ташкил этиш учун мул-
кчилик шаклларидан қатъ-
ий назар, саноат корхона-
лари, муассасалар, таш-
килотлар ва бошқа объек-
тларда ишчилар, мұхандис-техник
ходимлар ва хизматчилардан иборат
Ёнгиндан сақлаш хизмати
бўлинмалари ташкил эти-
лади.

Амалдаги қонунчилик-

Bilgan zarar qilmaydi

ка биноан, фуқароларнинг
ўзини-ўзи бошқариш
органлари кўнгилли
ёнгиндан сақлаш хизмати-
нинг ташкил этилишига ва
фаолиятига кўмаклашади.
Ташкилотлар кўнгилли
ёнгиндан сақлаш хизмати-
нинг фаолиятига белги-
ланган тартибда кў-
маклашади. Фуқаролар
ёнгин хавфсизлигини
таъминлашда, шу жумла-
дан, кўнгилли ёнгиндан
сақлаш хизмати фаолия-
тида иштирок этиш
хукуқига эга.

Собир МАҲМУДОВ,
ИИВ ёнгин
хавфсизлиги олий
техник мактаби ички
ишлар идораларида
бошқарувни
ташкиллаштириш
кафедраси бошлиги.
Артём ЛИТИЯГА,
касбий фаолиятнинг
хукуқий асослари
кафедраси ўқитувчиси.

Дикқат, ёнгин хавфсизлиги ойлиги!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-
камасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сон-
ли қарорига асосан, жорий йилнинг **20 но-
ябрдан 20 декабрига қадар** республика-
мизда «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўткази-
лади.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тад-
бирда фаол иштирок этишларингизни сўрай-
миз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва-
зирлиги ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси
«Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» тадбирла-
рининг ўтказилишида фаол иштирок этган та-
шаббускор юртдошларимизга самимий мин-
натдорлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси



Сокин оқар ариқлар суви

Шаҳарда куз жуда олифта,
Супургилар чақон маошхўр...
Қарсак чалар гузартераклар,
Соз чалгандай Ойими Танбур.

Долонларда шамол қисилар,
Ёмғир шимар лойшувоқ девор.
«Үй-ку, иссиқ, кўча не ҳол» деб,
Бошларини чиқарар болор.

Кўлмак ўйнар тошфарш йўллар,
Бирор томда кўринмас туршак.
Юзларида қуш расмин солиб,
Дўконларда ухлайди варрак.

Гумбаз бошин ювади қирор,
Минорчада қишилайди туррак.
Қадим тарих кўтарған қари
Деворга ҳам бир чопон керак...

Ширин бўлар шаҳар ҳавоси,
Бозорда давр сурар нишалдо.
Хазонрезги суратларидан,
Баргак тақар ойими тилло.

ТИЙРАМОХ

Она қишлоқ гужумлари ҳўл,
Ўтпоялар энди хотиржам.
Қовоқларнинг томдан тушгани,
Қарғаларга қиласи алам.

Боғчумчуклар охур титкилар,
Узимасдан ётар от арқон.
Кўзи сузук мушукни кўриб,
Қалдиричалар қилмас ғалаён...

Сокин оқар ариқлар суви,
Боғлар худди қотган мўмиё.
Кирпиюрар сўқмоқчалар ҳам,
Ёбонларда қолгандек танҳо.

Печакгуллар ғарамга келин,
Қирвоғустин эгнида борлиқ.
Онам изин излаб толгандай,
Шожӯроблар дийдори сариқ.

Яширинди ҳавога тутун,
Сарпушқалтоқ бошида ўчоқ.
Икки қўлин осмонга қилиб,
Аравалар чиқарар чарчоқ.

КУЗАК

Эртакдай ғуллайди юлғунзор,
Сочимдай паришибон қамишлар.
Фаромуш чопонли қари боғ,
Адогим остида сочар зар.

Қўзилар қорнида ҳўл кузак,
Чўпонлар таёғи мalla ўт.
Оғочлар учидан ичига
Элакка кетгандай мингта ҳұт.

Nafis tuyg'ular

Ёмғирни эзади автолар,
Йўлларни ёради сув оғриқ.
Мени эса уйимда кутар,
Сувсираган гултувак интиқ.

Қонимда жийдалар гуллаши,
Қўёшнинг порлаши мужассам.
Ўтвлар ўтқозиқ улатор —
Лолалар гирдидан айлансин.

Куртаклар қумрилар кўзидир,
Новдалар борлиги бекарор.
Мушк бозор эшигин тополмай,
Дарвешга айланар хом, аттор.

Чилторлар лаблари қирмизи,
Рухларнинг бўйнида гулсават.
Алномиши белбоғин рангиди,
Афсона ёғ боғлар етти қат.

Мен чақмоқ овига бораман,
Изимдан эргашар чумоли.
Йўлимдан товланиб чиқади,
Варахша чўлининг сополи.

Мунажжим овимни «гуллайди»,
Гулдурак осмонга тор жандо.
Халтани титкилаб қарасам,
Қармогим Зардушту хонанда.

Ибодат РАЖАБОВА



Бирорнинг тинчини бузиш оқибати

Испаниянинг Пучсердо округи
томонидан пианино чалган аёл
қўшниларига халақит бергани учун
жиноий жавобгарликка тортилди.

Уни қўшниси судга берди. 27 ёшли Лая
Мартинга аҳоли туар жойларида шовқин
кўтариш, ахолининг тинчини бузиш каби
айбловлар кўйилди. Пианиночи оиласи олти
йилга озодликдан маҳрум қилинган. Кўшни-
си Сони Босом сўзларига кўра, унинг энди-
лиқда телевизордан ҳам бу мусиқий асбоб
товушни эшитгани тоқати қолмаган. Аса-
бийлашиб сабаб, бир неча жиддий касал-
лика йўлиқкан. Шифокорлар Сони Босомга
үйқусизлик, қўрқув ва психологияк жароҳат
ташхисларини кўйғанларидан сўнг суд пиа-
ниночига нисбатан жиддий чора кўрди. Пиа-
ниночилар оиласи ўттиз децибеллик меъё-
ни бузиб, мусиқий асбоб овозини кирк де-
цибелга кўтариб юборган. Полициянинг огох-
лантиришига ҳам эътибор бермаган. Шунинг-
дек, мусиқачилар жазони ўтаганларидан сўнг
ҳам тўрт йил давомида пианино чалишлари
тақиқланди.

Кутилмаган харидор

Буюк Британиянинг Ноттингемшир
шаҳрида озиқ-овқат дўконига
кутилмагандага оқкуш кириб келди.

21 ёшли сотувчининг айтишича, жонивор
ҳеч кимга зарап етказмаган бўлса-да, ун-
дан деярли барча қўриқ бетган. Куш эса
чипслар сотиладиган раствада айланишини
хуш кўрган. У бир қанча чипс ва шоколад
батончаларини чўқилаб кўрган. Лекин улар-
ни ўрамидан ололмаган. Жониворларни
ҳимоя қилиш бўйича тегишил ташкилот ва-
киллари келгунга қадар, оқкуш ўзи ёқти-
ран раствадан нари кетмаган. Буюк Брита-
нияда оқкушларни жуда қадрлашади. Ҳатто
уларга қироллик оиласи жониворлари си-
фатида муомала қилишади. Дўкон эгаси
кушни бир неча хил овқатлар билан ҳам сий-
лаган.

Пишириқ мусобақаси

Шотландияда ҳалқаро шотланд
пишириқлари мусобақаси бўлиб ўтди.

15 марта ўтказилаётган бу мусобақада
Европа мамлакатларидан бир қанча ошпаз-
лар иштирок этди. Гўшт ва олмадан тайёр-
ланадиган бу пишириқ Европадаги энг тан-
сик пишириклардан саналади. Танлов ғоли-
бига шотланд ошхоналаридан бири ваъда
қилинган. Мусобақада инглиз ошпазлари
етакчилик қилган бўлса-да, расман ғолиб
эълон қилинмади. Мусобақа ташкилотчилари
ғолиб номи янги йилда ошкор қилини-
шини айтди.

Йиртқичга қизиқиши сабаб

Қrimдаги аҳоли туар жойларининг
бирида бўри топилди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходим-
лари етиб келгандаридан йиртқич анча хо-
тижам эди. Уни одамлар боқишигани мъ-
лум бўлгач, жониворни тегишили жойга
юбордилар. Орадан бир неча кун ўтиб бўри-
войнинг эгаси полицияга мурожаат қилди.
У шу вақтга қадар йиртқични расмийлаш-
тиргани ҳамда беътибор қолдиргани
учун жаримага тортилди. Айни пайтда бўри
ўз эгасинида.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади.



Азиз тенгдошлиар! Севинчи «Turkiston» газетасиңыз сүз билан 2014 жылда ҳам ғалсұхтай, ғалғоң бәшишни мақсаң қынсан.

«TURKISTON» САХИФАЛАРИДА:

«Камолот» худудида, мамлакатимизда, ёшлар хаётида, бутун оламда рүй берәйттән киришкәрли вәкеалар тағсилоти, долзарб мавзудаги маколалар, тәша тегмаган гаптар, оригинал лавхалар, ажабтөвүр фотоловчалар, «Шакарханда», «Бешинчи парас», «Амалиётчи», «Талаба», «Табиатнома» сингари сахифалар, «Еш ихтирочи», «Сенинг тенгдошинг», «Санъат», «Спорт», «Меридиан бўйлаб», «Калейдоскоп» каби рукнлар.

ЙИЛ ДАВОМИДА БИЗГА ЙЎЛДОШ БЎЛИНГ!

ОБУНА ИНДЕКСИ: 203

**ИМТИЁЗЛИ ОБУНА
УЧУН – 3203**
*(Изоҳ: камиди 9 ойга
обуна бўлганлар учун
25 фойз чегирма
мавжуд)*

Bilasizmi?

БИРИНЧИ ФОТОГРАФ

Фотоаппаратни франциялик Жозеф Ньепс ихтиро қилган. Табиийки, биринчи фотосурат муаллифи ҳам у. Ихтиори 1827 йил биринчи фотосуратни олиш билан дунё илм-фанида инқилоб қилган олимлардан бири бўлиб тарихга кирди.

ОЛИЖАНОБЛИК НАМУНАСИ

Спортда ҳалоллик ҳамиша қадрланади. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари боши. Навбатдаги футбол учрашувларидан бирида хужумчи очик дарвозага тўпни киритмади. Стадион жимиб қолди. Нега гол бўлмади? Бироқ хужумчи хотиржам, у жароҳат олиб ётган рақиби томон секин бора бошлади. Бошқалар ҳам ўйинни тұхтатиб, унинг изидан келишарди. Шу тариқа, кимдир жароҳат олса, ўйин тұхтатилиб, тўп майдон ташқарисига чиқариб юбориладиган, футболчига тиббий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Очиқ дарвозага гол урмаган бу олижаноб киши бразилиялик машхур футбол юлдузи Гарринча эди.

Ўлмасбек МАҲМАРАЙМОВ тайёрлади

YON DAFTARCHANGIZGA

Япалоққуш мақтанса,
жардан қуён олдим дер,
Ёмон киши мақтанса,
яхшининг ёқасидан олдим дер.

Ўзбек ҳалқ мақоли

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигига 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билинг рўйхатдан
ўтган.



ISSN 2010-6998
9772010 699000

Бош мұхаррир:

Ашурев Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукурев (бош мұхаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош мұхаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи мұхаррир:

Умарова
Наргиза
Баходировна

Сахифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчи, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1143.
Адади — 7760

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.35
ЎЗА якуни — 20.50

Офсет усулида босилган.



Ёшлар муваффақияти

Чирчиқда дзюдо бўйича бўлиб ўтган ҳалқаро мусобақада спортчиларимиз совриндор бўлишди. Турнирда дзюдочи-ларимиз билан бирга Россия, Қозогистон ва Тожикистондан ёш дзюдочилар иштирок этди.

Жавлонбек Ҳамидов, Хуршид Қодиров, Беҳзод Абдураҳимов, Комрон Нуруллаев, Сардор Каримов, Давлат Бобонов, Мұхаммадкарим Ҳуррамов каби Ўзбекистон дзюдо мактаби тарбияланувчилари ўз вазн тоифаларида олтин медалларни қўлга киритишди. Мазкур мусобақанинг жамоавий беллашувларида Чирчик олимпия заҳиралари коллежи биринчи ўринни егаллаган бўлса, самарқандлик спортчилар иккинчи, Бухоро ва Андижон вакиллари эса учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Ҳалқаро ареналарда ўзбек кураши

Айни пайтда Таиланднинг Пхукет шаҳрида ўтказилаётган 4-Осиё соҳил ўйинлари дастурига ўзбек кураши ҳам киритилди.

Мазкур спортни расман Осиё соҳил ўйинлари дастурига киритиш тўғрисидаги қарор Осиё Олимпия кенгаши томонидан қабул қилинган. 2008 йилдан буён ўтказилаётган бу мусобақа шу вақтга қадар Индонезия, Уммон ва Хитойда бўлиб ўтган. Ҳозирда турнирда курашдан ташқари каббади, эркин кураш, муайтай, петанк, сепактакро, футволлей ва жетски каби спорт турларидан мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбери



Ўқувчилар мавзу юзасидан
фикр-мулоҳазаларини билдириб,
журналистларга саволлар билан
мурожаат қилдilar.

Учрашув давомида колледжа
ташкил этилган «Чарос» ижодкор-
ўзлар клуби аъзолари ўз шеър-
ларидан ўқиб беришди.

Моҳлархон АҲМАДАЛИЕВА,
Тошкент ижтисослашган
хотин-қизлар коллеки
ўқитувчisi

Ижодий учрашув

Тошкент ижтисослаштирилган хотин-қизлар колледжа «Оммавий ахборот воситалари ёшлар тарбиясида» мавзууда «Саодат» журнали ва «Гулчехралар» газетаси ходимлари билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларининг ёшлар тарбиясига таъсири, ахборотдан тўғри фойдаланиш, замонавий медиа маконда ахборот хуруллари каби долзарб мавзулар да фикр юритилди. Мазкур йўналишда ёшлар ўртасида тўғри тарғибот ишларини олиб бориш зарурлиги ҳамда бу ишда ўқитувчилардан алоҳида масъулият талаб этилиши таъкидланди.

Актёр, санъаткор	Кириш, мұқаддима	Олим номи	Тошкосали жонивор	Стол...	Пармуда, вараки	42 км.га югуриш	Шакшубҳасиз
Ёстик, така		Савод, дарс	...чиқир	Суяқ ёғи			Халқ...и, Ипотека...
Митти күш, синчалак		борнинг нози бор		Гўзаллик, малоҳат		Эҳромлар юрти	Нигериядаги дарё
Кишининг иккичи ойи	→				Икки коринли мусика асбоби	Ваъда, қасам	→
				Тишкопласи			

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов



МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигига 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билинг рўйхатдан
ўтган.



ISSN 2010-6998
9772010 699000

Бош мұхаррир:

Ашурев Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукурев (бош мұхаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош мұхаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи мұхаррир:

Умарова
Наргиза
Баходировна

Сахифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчи, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1143.
Адади — 7760

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.35
ЎЗА якуни — 20.50

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6